

Карима ЗАРИПОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
артист:

ДУНЁ КЕЗИБ,
ДУНЁ ТОПДИМ!



4



УЛФАЙИШЛАР
ИФОДАСИ

5

ОРИЯТ
ИНҚИРОЗИ



7



8

КУТУБХОНА КЛИП
МАЙДОНИ ЭМАС!



ЎзА сурат-лавҳаси

ҲАМ МАЪНАВИЙ, ҲАМ ЖИСМОНИЙ ЧИНИҚМОҚДА

“Кўёшли” интеллектуал ривожлантириш оромгоҳида Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган “Билимлар беллашуви — 2015” ҳамда фан олимпиадаларида ғолиб бўлган ўғил-қизлар соғломлаштирилмоқда.

Албатта, бу сингари эътибор замирида ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш, интеллектуал авлодни камол топтириш мақсади мужжасам. Болалар «Кўёшли» интеллектуал ривожлантириш оромгоҳида дўстлар орттириб, билимларини бойитаётир. Бу ёшларга пухта билим бериш, иқтидор соҳибларини аниқлаш ва ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш борасида кўрсатилаётган чексиз меҳр ва эътиборнинг амалий ифодасидир.

Оромгоҳда бадиий ижодиёт, спорт-соғломлашти-

риш тўғарақлари фаол ишляпти. Айни пайтда олимлар, мутахассислар, илғор ўқитувчилар, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар иштирокида маҳорат дарслари, ўқувчиларнинг ҳаётий кўникмасини шакллантириш бўйича машғулотлар ўтказилаётгани ўғил-қизларнинг маънавияти юксалишига, ватанпарварлик, фидойилик руҳида камол топишига сабаб бўлмоқда.

Бўстонлик туманидаги Чимён тоғи бағрида жойлашган ушбу сўлим масканда таълим-тарбиянинг инклюзив шакли кенг йўлга қўйилгани болаларнинг билимларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бу ерда умумтаълим мактаблари ўқувчилари, Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари ҳам маънавий, ҳам жисмоний чиниқмоқда.

ҲИКМАТ

Илм ила кимнинг
дили равшан
эрур,
У замон ичра
саломат тан
эрур.

Фаридиддин АТТОР

БИРИ БИРИГА ТИРГАК

Тошкентлик Фулом ота Кўчқоров болалик чоғларидан мусиқага меҳр қўйган эди. Шу сабаб у таълимни мусиқа мактабида бошлаб, сўнг Ўзбекистон Давлат консерваториясида давом эттирди. Эндиликда 97 ёшни қаршилаган дирижёр, санъат соҳасида узоқ йиллар фаолият юритиб, кўлаб шогирдларни тарбиялади. У фақатгина санъатда эмас, оилада ҳам ўз бахтини топган. 74 йиллик турмушида рафиқаси Хумайра ая билан чиройли ва аҳил оилани барпо этишди. Гарчи аёли тухучи бўлса-да, отахоннинг ижодига ҳам тиргак бўлди.



катта. Хумайраҳон билан шунча йил яшаб, ҳеч нарсадан нолимадим, — дейди Фуломжон ота. — Инсоннинг ўқигани эмас, ўқиб шунга амал қилгани муҳим.

Ҳеч эсимдан чиқмайди, бир куни аёлимга ниманидир тушунтираётиб қаттиқ гапириб юбордим. Ушанда: “Дада-си, нега қаттиқ гапиряпсиз, сизни ранжитиб қўйдимми?” деб сўради. Чуқур андишада: “Вой ойиси, мени кечир, билмай қолибман”, деганман. Тинч-тотувлик деганда, балки айнан оиладаги сокин муҳит тушунилар.

Болаларининг қорнини тўқ, устини бутун қилиш учун ота турмушнинг минг бир кўчасига қиради. Аёл кўлидаги гулдай хунари билан ёрига кўмакчи бўлади. Хуллас, икков бир рўзгорнинг горини тўлдиради.

— Болам, биз кўрган кунлар, худди тушга ўхшайди, — дейди Хумайра ая. — Баъзан невараларим нонни увол қилаётганини кўрсам, йиғлагим келади. Бир бурда нон учун қанча захмат чеканмиз. Иккинчи жаҳон уруши йиллари бир кеча-кундуз ишласам, қаттиқ нонга зўрга пулим етган. Тўйиб овқат ейиш

қайқда эди. Бугунги тўкин-сочин кунлар учун минг шукр дейиш керак!

6 фарзандни ўқимишли, уйли-жойли қилган, мевасидан мағзи ширин деб, 30 невара қуршовида, яна 63 эвара, 14 чеваранинг ардоғида юрган Фулом ота ва Хумайра аяга ҳамма ҳавасланади.

— Фарзанд тарбияси ниҳоятда нозик, — дейди Хумайра ая. — Чунки бола қалби ниҳоятда нозик бўлади. Масалан, мен бирор марта болаларимга овозимни баланд кўтариб, танбех бермаганман. Агар адашиб номақбул иш қилишса, хафалашиб қолишимни, бу ишни такрорламасликларини кўп таъкидлаганман.

Кексалик худди пурвиқор тоғларга ўхшайди. Ўзининг энг тотли, серҳосил сувларини она заминга ҳада этади. Хумайра ая ва Фулом отага ўхшаган нуруний инсонларимиз ҳам баркамол фарзандларни тарбиялаб, жамятнинг ҳурмат ва эҳтиромига сазовор бўлиб келаётди.

Қамола РАҲИМХҲАЕВА,
“Оила ва жамят”
муҳбири.

АГАР АЁЛ...

Оилада соғлом маънавий муҳитнинг шаклланиши кўп жиҳатдан аёлга боғлиқлиги тасдиқланган. Яхши хотин билан яшаш ҳаёт бўронларида одамга паноҳдек хизмат қилса, ёмон хотин ҳар куни оилада бўрон кўтариши ҳеч гап эмас. “Ўз эрини олга юрғазмаган аёл уни, шубҳасиз, орқага тортади, эрининг фикру хаёлини банд этган, орзу-ҳавасларидан бегона яшаган, уларни рўёбга чиқаришга интилмаган аёл, бор-йўғи эркакнинг, оиланинг бекаси, энагаси бўлиши мумкин, лекин ҳақиқий аёл бўлиши қийин”, — дея қайд этади алломалардан бири.

Оилада кизларни эъзозлаш, аёлларни қадрлаб, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш миллий қадриятларимизнинг муҳим бир

бўлагидир. Ўтмишда ота ўз қизи тушган маҳалладан ўтаётиб, отдан тушиб, пиёда кетар экан. Яхши аёл она бўлиши билан бирга оиланинг чироғи, хонадоннинг файзу борақаси ҳамдир. Оиланинг мустаҳкамлиги ҳам кўп жиҳатдан аёлга боғлиқ. Зеро, оила таъшиларининг аксарияти унинг зиммасида бўлади. Буюк мутафаккир Алишер Навоий оила ҳақида шундай ёзиб қолдирган: “... Эр билан хотин бир-бирига мос тушса, ўртада бойлик ва саранжомлик бўлур. Уй безаги ундан ва уйланганинг тинчлиги ундан. Хусни бўлса кўнгилга ёқимли бўлур, яхшилиги бўлса жон озиғидир. Ақлли бўлса турмуши интизомли ва рўзгори тартибли ва саранжом бўлади”.

Ҳар бир аёлнинг ҳаётдаги энг бахтли онлари, албатта, оналик мартабаси билан бог-

Ж а м и я т

лик. Фарзанд онани ҳам кучли, ҳам бахтли қилади. Чунки фарзанд кўрган она Яратувчининг энг ноёб неъматига сазовор бўлди. Шу сабаб мутафаккирлардан бири: “Аёл заифа, аммо она кучлидир”, деган гапни бежизга айтмаган.

Агар аёл фарзандлари ва оиласи олдидаги масъулиятини тўла ҳис этиб, рўзгордаги майда-чуйда етишмоқчиликлар ёки қайнона-келин, кўни-қўшни муносабатларидаги арзимас гап-сўзлардан баланд туриб, оиласини чин маънода маънавий етуклик сари руҳлантира олса, демак у Оналик, Аёллик вазифасини уддалабди! Бундай аёлларни чин маънода бахтли деб айтсақ бўлади.

Ҳамид МАННОПОВ,
ТошДТУ Ижтимоий
фанлар кафедраси
доценти.

ННТ ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан “Нодавлат нотижорат ташкилотлари соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш” мавзuida семинар ташкил этилди. Манфаатдор ташкилотлар, учинчи сектор вакиллари иштирок этган мазкур тадбирда мамлакатимизда ННТларга яратилган шароит ва имтиёзлар, соҳага оид қонунчиликдаги сўнгги янгилликлар хусусида атрофлича сўз юритилди.

Маълумки, республикамизда фуқаролик жамяти институтлари, хусусан, ННТлар фаолиятини янада рағбатлантириш, уларга кенг имкониятлар эшигини очиб беришга қаратилган бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда ННТ, фуқаролик жамяти бошқа институтларининг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини янада ошириб бориб, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш жараёнида уларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамяти сари” тамойилини изчиллик билан босқичма-босқич рўёбга чиқаришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Шу ўринда учинчи сектор тизимини кенг ривожлантириш, уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий механизмлар ҳамда тартиб-таомилларни такомиллаштириш ва соддалаштириш бўйича қабул қилинган қонун ҳужжатлари қаторига Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқаролик жамяти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини ҳам мисол келтириш мумкин.

Семинар иштирокчилари қонунчиликдаги энг сўнгги янгилликлар, хусусан, Адлия вазирлиги буйруғи билан тасдиқланган “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тадбирларини келиши тартиби тўғрисида”ги низом, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан адлия органларига тақдим этиладиган ҳисобот шакллари билан таништирилди.

Тадбирда соҳага оид қонунчиликни жойларда кенг тарғиб қилиш, ижросини таъминлаш бўйича амалий таклифлар ўртага ташланди. Турли мулоҳаза ва таклифлар билдирилди, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Сардор ҲАСАНОВ,
Тошкент вилояти адлия бошқармаси
бўлим бошлиғи,
Рашид МИРЗАҲМЕТОВ,
бошқарма етакчи маслаҳатчиси.

Эҳтиром

ДОНИШМАНДЛИК ДАВРИ

Кексаларни эъзозлашдек азалий қадрият азал-азалдан халқимизни жипслаштириш, одамлар орасида меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, турли миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ яшашига хизмат қилганлиги бежиз эмас. Айрим миллатлар ўртасида жамоа бўлиб ҳаёт кечиришдан кўра, ёлғиз яшашига мойиллик тобора кучайиб бораётган бугунги глобаллашув жараёнида нурунийларимизнинг ёшлар тарбиясида ўрни, уларнинг насиҳатлари, кўрсатаётган йўл-йўриқларини бебаҳо миллий-маънавий бойлик сифатида эъзозласак арзийди.

Зеро, хонадонларимиз фаршталари — кексалар яқин ўтмишни бугунги дориламон кунларга қийслаб, ҳаётий ҳулоса чиқарадилар ва ёшларни буюк неъмат — тинчлик-осойишталикнинг қадрига етишга ундайдилар. Кексаликни инсон умрининг доғишманлик палласига менгзалишида ҳам ўзига хос ҳикмат бор. Негаки, улар нурунийликнинг ўзига хос кўрки — вазминлик, ҳушмуомаллик ва донолик фазилатлари билан оила, маҳаллага файз киритиб турадилар. Оқилу донолиги, меҳрибону ҳушфёъллиги, заковат, тажрибакорлиги, самимий юз-кўзларида ўзига хос таскин уфуриб туриши — буларнинг барчаси инсон ҳаётини нурафшон этувчи чироқдир.

“Кексаларни этсанг иззату ҳурмат, сени ҳам кексайга, этишар иззат”, — дейди улуг алломалардан бири Фаридиддин Аттор. Шу боис ҳам бизнинг юртимизда бу хайрли ишга давлат аҳамиятига моллик масала сифатида эътибор қаратилмоқда. Зеро, дуоғу кексаларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш маънавиятимиз истикболини белгилайди. Бундай элга кут-баракка ёғилади, уларнинг дуолари билан элда тинчлик, юртда фаровонлик барқарор бўлади.

Гулнора ҚУРБОНОВА,
Жомбой туман 2-сон ДНИ нотариуси.

ТАҚДИРИ ЗАМИНГА БОҒЛАНГАН

Галлачилик ва пахтачилик сирасорини пухта эгаллаган илгор фермер аёллардан бири Ҳамида Юсуповани нафақат Нарпай туманида, балки Самарқанд вилоятида ҳам кўпчилик ҳурмат билан тилга олади.

— Мустақиллик шарофати, қолаверса, мамлакатимизда ишбилармонлик, фермерлик ҳаракатига кенг имкониятлар яратиб берилганлиги туфайли туманимизда ҳам ерга меҳр кўйган, эл манфаатини кўпроқ ўйлаган хотин-қизлар сафи кенгайиб бормоқда, — дейди Нарпай тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Шоира Бобоқулова. — “Ҳамида Юсупова” кўп тармоқли фермер хўжалиги раиси ҳам ана шундай фидойи, қалби дарё, хайр-саховатли аёллардан, десам янглишмайман. Опанинг фермерликни танлаганига 13 йилдан ошди. Йилнинг тўрт фаслида ҳам у ўзининг қадрдон даласи билан сирлашади, тиним билмай ишлайди. Хўжаликнинг ҳар бир аъзоси ҳам ундан ибрат олади.

Ҳамроҳимиз айтганича бор экан. Ҳамида опани бугдойзорда учратдик.

— Узр-а, ҳозир айна иш қизиган палла, ҳар лаҳза ҳисобли. Ёзининг бир куну ҳам ғанимат, — дейди опа бизга юзланиб. — Даладаги галла-ни қаранг, кўз тегмасан, ҳосил чўғи ёмонмас. Насиб этса бу йил ҳам



режани ошириб уддалаймиз. 64 гектар майдоннинг 38.8 гектарига пахта, 21.3 гектарига эса галла экандик. 1 гектар жойда иссиқхонамиз ҳам бор. Лимон, помидор, бодринг етиштирамиз. Ҳар йили пахта ва галла, пилла топириш бўйича белгиланган давлат шартнома режаларини бажаряпмиз. Шунинг эвазига топаётган соф даромадимиз йил сайин ошиб бораёти, 12 нафар доимий аъзомизнинг рўзғори бут, моддий шароити яхшиланаёпти, маши-

на минаёпти, тўйлар қилишяпти. Буларнинг бари ҳалол меҳнатлари ордидан-да! Шунингдек, даромадимизнинг бир қисмини замонавий техника харид қилишга сарфляемиз. Ҳозир хўжалигимизда 2 та ҳайдов, 3 та чоқиқ трактори, 1 та культиватор ва сеялка бор. Ўтган йили чигитнинг “Порлоқ-1” навини экиб, ҳар гектардан 43 центнердан, галладан эса 82 центнердан ҳосил олгандик. Насиб этса, бу йилги натижа ҳам ўтган йилдагидан кам бўлмайди, албатта.

Бугунги фермер — ўз касбининг устаси, ер тилини биладиган миришкор, билимли раҳбар, қишлоқнинг олд киши. Бир пайтлар Ҳамида опанинг фермер хўжалиги ташкил этгани айрим қишлоқдошларини таажжублантиргани ҳам бор гап. Аммо уни яхши билганлар: “Ҳа, ерга меҳр кўйиш бу аёлнинг қонида бор. Ҳамма ишни бемалол эплайди”, дейишгани рост чикди. Хўжалик аъзоларидан ишчан механизаторлар Умиджон Бозоров, Зиқир Бердиёров, сувчилар Голиб Тоғаев, Зайниддин Усмонов деҳқончиликнинг пухта ҳадисини олишган. Шунинг учун ҳам мазкур фермер хўжалиги “Ташаббус — 2015” танловининг вилоят босқичида қатнашиб, “Йилнинг энг яхши фермери” йўналиши бўйича иккинчи ўринни эгаллагани ҳам бежиз эмас.

Замондошларимиз

Саховатпешалиқда ҳикмат кўплигини яхши билган Ҳамида опа ўтган йилги ҳосилдан 7,5 тонна бугдойни кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга хайрия тариқасида тарқатиб берганлигини ўзидан эмас, бошқалардан эшитиб қувондик. Қанча инсонлар алқиб, чин дилдан раҳмат айтишибди.

Қаҳрамонимиз нафақат давр талабини чуқур тушунган тадбиркор, деҳқон эмас, балки меҳрибон она, сариштали уй бекаси сифатида ҳам ҳамқишлоқлари орасида доврўғ таратган. Умр йўлдоши билан икки нафар фарзандни вояга етказишди. Ўғли Умиджон айна пайтда шу хўжалиқда иш бошқарувчи, опанинг кўшқаноти, қизи Шахлохон эса ибратли бир хонадон келини. Ҳамида опа 6 нафар неваранинг суюкли бувижониси.

— Сахармардондан далага чиқиб кетаман, роса айлиниб, толиқиб келган маҳал невараларим “Бувижоним келдилар” деб хайқириб пешвоз чиқиб кутиб олса, ҳамма чарчоқларим бир зумда тарқалиб кетади, — дейди Ҳамида опа Юсупова фаҳрга тўлиб.

Хошим ОРЗИКУЛОВ,
“Оила ва жамият” муҳбири.
Самарқанд вилояти.

Истеъдод

Жиззах вилоятининг Зомин туманида Сарвиноз Мусурмонованинг санъатнинг сомон усулидан фойдаланиб яратган асарларини илк бора кўрганда жуда ҳайратлангандим: тасвирлар шу қадар аниқ ва нафис эдики, кишини бир зум реал воқелиқдан узиб, ижоднинг сирли олами сари етакларди.

СОМОНДАН ЯРАТИЛАЁТГАН САНЪАТ

Тумандаги Нурликент маҳаласида истиқомат қилаётган Сарвинознинг ижодхонаси 120 га яқин катта-кичик асарлар билан безатилган.

— Сомон санъатига илк бор дадам кизиқтирган, — дейди Сарвиноз. — Дадамнинг маслаҳатлари ва тавсиялари билан илк асарларимни мактаб давридаёқ ярата бошлаганман. Кейинчалик устозим Зулхумор Хулмаматовдан тасвирли санъат сирларини ўрганганман. Чунки, сомон санъатида дастлаб тасвирлар чизилади. Кейин унга ишлов берилади. Ҳозирги кунда эса устозим — хунарманд-рассом Анвар Назаровдан бу соҳанинг мураккаб жиҳатларини ўрганмоқдаман.

Сарвинознинг камтарлиги, самимий ва мулоҳазали экани эътиборимни тортади. Унинг иш услубини кузатаман: дастлаб қоғозга сурат чизилгач, ҳар бир детал алоҳида қирқиб олинди. Бўла-ланган қоғоз парчалари устига тури ва рангига қараб сомон парчалари ёпиштирилиб чиқилди. Шундан сўнг ортиқча сомон парчалари қирқиб ташланди ва қоғозга қайта ёпиштирилиб, яхлит тасвир ҳосил қилинди. Тайёр тасвирга махсус куйдирувчи асбоб ёрдамида сўнги марта ишлов берилди.

Бу тасвирлар ижодкорнинг меҳнати, машаққати билан кўнглидаги жамики эзгу ҳисларнинг, туй-

ғуларнинг қоғозга кўчган нусхаси. Сарвинознинг дилидаги айтар сўзлари, нозик бармоқлари орқали қоғозга кўчиб, сеҳрли мўъжиза яратилганди, гўё.

У ўзининг бетакрор ижод намуналари билан кўплаб танловларда голибликни кўлга киритган: «Ишбилармон талаба – 2014» стипендиаси совриндори, “Камолот” ЁИХ томонидан ўтказилган “Ёш тадбиркор – юртга мададкор” лойиҳасининг ҳамда республика Маънавият-тарғибот маркази ташкил этган “Юксак маънавият-ли авлод” кўрик-танловининг вилоят босқичида “Амалий санъат” йўналиши бўйича голибаси... Булар унинг машаққатли меҳнати эътироф этилганининг намунаси.

У айна пайтда 6 нафар ўғил-қизга сомон санъатининг сирасорини ўргатмоқда. Бўш вақтида тикувчилик билан шуғулланади, ўзи таҳсил олаётган Зарбдор Иқтисодиёт касб-хунар коллежиде фаоллиги, аъло баҳоларга ўқиётгани билан тенгдошларига ўрнатилган бўлиб келмоқда.

Унинг энг катта ютуғи эса мамлакатимизда ёшларнинг истеъдоди ва иқтидорини намойиш этишлари учун яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, мана шундай нозик ва бетакрор хунарни пухта эгаллаётганидир.

Умрхол ПҮЛАТОВА,
Жиззах вилояти.

УСТОЗНИНГ МАҲОРАТ МАКТАБИ

...1981 йилнинг август ойи. Кўлимда имтиёзли диплом ва йўланма билан 68-махсус мактаб-интернати остонасига қадам кўйдим. Нотаниш жой, бегона одамлар. Қаёққа юришни билмай каловланиб турганимда, тирсагимдан кимдир ушлади. Уғирлисам, дўпписи ўзига ярашган истараси иссиқ бир киши жилмайиб турибди. Шошиб салом бердим.

“Хуш келибсиз мактабимизга, укам, янглишмасам, янги катрга ўхшайсиз, қани, мен билан юринг-чи”, деб эшигига “Илмий бўлим мудири” деб ёзилган хонага бошлади. Хўжатларим билан таншиб, дефектология соҳаси, махсус таълимнинг мақсад ва вазифалари хусусида узоқ суҳбатлашди. Институтдаги домларим имтиҳон қилгандек, мени чигиркидан ўтказган бу кишининг Абдурахмон Умаров эканлигини одамлардан билиб олдим. Абдурахмон ака директор хонасидан хўжатларимни расмийлаштириб чиқиб, “Табриклайман, бугундан жамоамизга қўшилдингиз, ҳозироқ ишни бошлашингиз мумкин”, деб бир талай топшириқлар берди.

Орадан йиллар ўтди. Чехрасидан доимо нур ёғилиб турувчи, сўзлари самимий Абдурахмон Умаровдек кичик бир лавозимдаги улкан салоҳиятли, маърифатли, таъбир жоиз бўлса, махсус таълимнинг “ҳақиқий фидойи”ларидан бири бўлган инсон билан елка-елка ишладик. У киши директор, мен эса ўринбосар бўлиб. Абдурахмон ака табиатан серғайрат, ходимларни ҳам тиндирмас эдилар. Ҳали қарасангиз, очик дарс ва тарбиявий соатлар, семинарлар, мушоиралар ташкил қилган, ҳали қарасангиз, таълимдаги инновацион усуллар ва мамлакатимизда қабул қилиниб, ҳаётга жорий этилаётган қонун, фармон ва қарорлар билан педагогларни таништирган, хуллас, ишни биринчи ўринга

кўйган масъулиятли раҳбар, бағри кенг устоз эдилар.

Абдурахмон ака узоқ йиллар мактаб-интернатта директорлик қилиб, шу муассасанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уни меҳр-мурувватга муҳтож болалар яйраб ўсиб, тарбияланадиган обод масканга айлантиришда кўлларида келгунича елиб-югурди. Эшқурбон Ҳасанов, Тошмирза Бобошев, Норхон Худойкулова, Мирза Йўлдошев, Исмомл Менгбоев каби юзлаб дефектолог мутахассислар ҳам қайсидир маънода Абдурахмон Умаровнинг “маҳорат мактаби”ни ўтаган десак, асло хато бўлмас.

— Ҳеч эсимдан чиқмайди, Абдурахмон ака шу даргоҳга раҳбар этиб тайинланган кунийёқ мени ёнига қақриб, “Эшбой Холбоев таълим жараёнини сизга (у киши катта-кичикни бирдай сизлаб исми-шарифи билан мурожаат қиларди) ишонаман, эътироз билдирманг, энди ёшлигингиз қолмади, ўзингизни кўрсатиш пайти келди” деб худди аввалгидай мени бир дунё топшириқлар билан кўйиб ташлардилар, — деб хотирлайди шогирдларидан бири.

Абдурахмон ака хайрли ва баракали умр кечирди. Фидойи меҳнати нуносиб қадр топди. Ўз соҳасини чин юракдан севган инсонгина фарзандларининг қалбида ҳам ота касбига муҳаббат уйғота олади, деганларини рост экан. Тақдирнинг сийловини қарангки, етти фарзанддан олти нафари педагогик касбини танлагани бежиз эмас. Қувончи жиҳати, устознинг умр йўлдоши Абрашой Қулсоатова ҳам Шўрчи туманида обрў-эътибор қозонган жонқур муаллимлардан саналади. Ҳозир бир этак неварачеваралар қуршоғида қарилмоқ гаштини сураётган бўлса-да, ҳалим шогирдларига йўл-йўриқ кўрсатишдан эринмайди.

Сардор РАҲМОНҚУЛОВ,
Сурхондарё вилояти.

Ўзбек миллий цирк санъатининг етук намоёндалари, машхур Зариповлар сулоласининг учинчи вакили, 30 йил давомида дунё сахналарида ўзининг ажойиб томошаларини намойиш этган Карима Зарипова мана ўн йилдирки, Республика эстрада-цирк коллежи раҳбари сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Карима опа билан суҳбатлашар эканмиз, унинг машхур сулолага хос тарзда камтарлиги, самимийлиги ва муомала-муносабатларда ўзбекона тавозеъни устун қўйишига гувоҳ бўлдик.

Карима ЗАРИПОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

ДУНЁ КЕЗИБ, ДУНЁ ТОПДИМ!

— Карима опа, айтинг-чи, чавандозлик санъатига қачон кириб келгансиз?

— Бу санъатга кириб келмадим, у билан туғилдим. Томиримда оқайган қонда шу касбга иштиёқ бор. Болалигим, ёшлик йилларим сахнада, катта томошаларда, одамлар даврасида ўтди, бугун ҳам худди шундай. Тўғри, кўпчилик мени онам — машхур чавандоз Холида Зариповага ўхшатади. Бу мен учун катта бахт. Улар бизга нафақат касбий маҳорати билан, балки оилапарварлиги билан ҳам ўрناق эдилар. Болалигим онамнинг ҳар бир ҳаракатидан ҳайратланиш, завқланиш билан ўтди. “Ўзинг қўл урган ишни севмасанг, асло кўнгилдагидай натижага эришмайсан”, — деб айтар эдилар.

Отам Фахриддин Шарифбоев чавандоз, масхарабоз бўлганлар. Тақдир мени ана шундай ота-она билан сийлади. Болалигимда катта сахналарда болаларга хос ўйинларни, гоҳ эртак қахрамони, гоҳида ёрдамчи бўлиб кичик ролларни ижро этардим. Ота-онамнинг бизга берган тарбияси туфайли бугун жамиятда ҳам, оилада ҳам ўз ўрнимизни топдик, ҳурматга эришдик.

1978 йили хореография олий мактаб (ҳозирги Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби) ни тугатиб, бир муддат устоз Мукаррама Турғунбоева қўл остида амалиёт ўтадим. Кейин ўз йўлимни циркдан топдим ва шу ерда фаолият олиб бордим.

— Ўзбек цирк санъатида бонгониз Карим Зарипов бошлаган сулоланинг давомчиларидан бирисиз...

— Мен оилада тўртинчи қизман.

Онамнинг айтишича, ўғил бўлиб туғилишимга катта умид боғлашган экан. Бобом Карим Зарипов ҳам “Шу неварам ўғил бўлади”, деб, болаларга мослаб кийим-кечаклар, буюмлар харид қилган эканлар. Аммо дунёга келишимдан 8 кунгина аввал дунёдан ўтган бобом, минг афсуски, мени кўролмай кетган эканлар. Уларнинг муборак хотираси учун менга Карима деб исм қўйишган. У киши ҳақида ота-онамдан кўплаб ёрқин хотираларни эшитганман. Цирк санъатининг ривожига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида гапиришса, кўнглим гурурга тўлади. Муносиб набира бўлишга интиламан. Буни қарангки, ҳозир мен ишлаётган таълим даргоҳида ҳам улар ишлаган экан.

— Чавандозликда чинакам артист бўлиб тобланган экансиз, тўғрими? Аёлларнинг от билан тил топишиб кетиши қийин эмасми?

— Шахсан мен отни рамзий маънода аёлга ўхшатаман. У ҳам худди биз каби ўзгарувчан. Ҳозиргина хотиржам турган бўлса, бир дақиқадан сўнг безовталаниб қолиши мумкин. Соҳам оддий чавандозликдан кескин фарқ қилади. От устида ва от билан бирга рақс тушиш учун уни бошқариш ва унга суяниш керак. Қўлим, оёқларим ва бутун танам орқали отнинг ҳаракатларини назорат қиламан. Мен отдан сезгирликни ўргандим, десам бўлади. Яхшини ёмондан ажратиш, ҳар бир воқеликни ҳис қилишни менга дўстим — от ўргатган. У билан дунё кездик. Йилда бир марта, бор-йўғи 15 кун уйимга келиб, яқинларим дийдорига тўйиб-тўймай кетардим. Баъзан кўп вақтимни оиламдан узоқда ўтказиб юборганимдан афсусланаман, аммо касбимдан толганларим, миллий циркимиз репертуарини халқаро



майдонларда намойиш эта олганимиз ҳақида ўйласам, кўнглим осмон қадар юксалади. Ўзбек миллий чавандозлик санъатининг бетакрор намуналарини ижро этиб, жаҳон аҳли назарига тушдик, демоқчиманки, дунё кезиб, дунё топдим!

— Устоз сифатида соҳага кириб келадиган йигит-қизларнинг қайси жиҳатига кўпроқ эътибор берасиз?

— Ҳар бир ишнинг безаги, унуми ва тараққийети тарбия билан ўлчайман. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, тарбиясиз беадаб бола санъаткор бўлиб, минглаб инсонларга қандай ўрناق кўрсатиши мумкин? Коллежимизга ҳужжат топширган ҳар бир йигит-қиз билан шахсан ўзим эринмай суҳбатлашаман. Уларнинг қизиқиши, маънавияти, қобилиятига қараб ҳулоса ясаймиз. Дарсларимизнинг асосий вақти ҳам маънавият соатларига ажратилади. Бугун қатъиятли, аниқ мақсад сари интилувчан ёшлар анчагина. Уларнинг иқтидорини намойиш этишлари учун мамлакатимизда барча шароитлар муҳайё.

Ўқувчиларимни кўпроқ китоб мутолаасига ундайман. Китобни телефон ёки компьютер орқали эмас, иложи борича “жонли” ўқиш керак. 10 йиллик кузатишларим натижасида ишонч билан айта оламаники, китоб болалар тарбиясида алоҳида аҳамиятга эга эканлигига ўз фаолиятим давомида кўп бора гувоҳ бўлдим.

— Умрини севган касбига бахшида этиш ўзбек аёли учун жуда нозик масала. Ахир бизнинг оналаримиз оилапарварлиги, болажонлиги ва жонқуярлиги билан ажралиб туришади... бу борада фикрингиз қандай?

— Мен ҳам онаман. Икки нафар фарзандим бор. Ўғлим Шерзодхон сулоламиз анъаналарига мувофиқ, циркда жонглёр, акробат ва чавандоз сифатида маҳоратини намойиш этмоқда. Қизим Камиллаҳон Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси. Икки нафар неварам бор. Мевасидан мағзи ширин, деган гап бежиз айтилмаган экан. Ишим кўпайиб, кеч қолиб, чарчаб борсам, жажжи набирамни бағримга босиб, унинг ширин тили-ю, қилиқларидан завқланиб, эртанги кун учун янги куч оламан ва ҳар томонлама етук ва салоҳиятли кадрларни тайёрлаш борасида юртимизда олиб борилаётган ислохотларга ўз улушимни қўйишга интиламан.

“Оила ва жамият” муҳбири
Камола АДАШБОВА
суҳбатлашди.

Гурунг



ЖУВОЗ — ўтмишда зиғир, кунжут, чигит, ёнғоқ, данак мағзи, қовун, қовоқ, тарвуз уруғи ва шу кабиларни от ёки хўкиз кучи билан эзгилаб мой олувчи тегирмон “жувоз” ёки “мойжувоз” деб аталган.

Қўшни ҳовлидан қучитилган жувоз мойининг иси келади.

Саид Аҳмад

ГУПСАР — гупсар қадимий ўзбек ҳарбий атамаларидан бири. “Тарих атамалари луғати”да изоҳланишича, қўй ёки қорамол терисини ёрмасдан, саноч қилиб шилиб, жунини тозалаб, ичини ёво билан тўлдириб, устига миниб, сувдан, дарёдан кечиб ўтайдиган мешга ўхшаш мосламага “гупсар” дейилган. Дарёдан жуда кўп киши ёки отлар, кўплаб чорва молларини ўтказиш чоғида бир қанча гупсарларни бир-бирига боғлаб, устига қамиш ташлаб сўнгра сузиб ўтилган.

Улар бир-бирига мустаҳкам боғланган гупсарлар ёрдамида Амударёни сузиб, Пайғамбар оролга ўтган эдилар.

Журналдан

ЧОРШАНБА — одатда, чоршанба ҳафтанинг учинчи кун саналади. Лекин бу куннинг номидан кўриниб турибдики, у тўртинчи кунга тўғри келади. Нега шундай? Гап шундаки, “чоршанба” сўзининг туб илдизи “шанбадан кейинги тўртинчи кун” деган маънони англатади.

Пайшанбанинг келиши чоршанбадан белгили.

Мақол

АҚЧА — ўтмишда Туркистонда савдо-сотик, тўлов муомалаларида нарх, баҳо, қиймат ўлчови бўлган пул бирлиги “ақча” деб аталган. Аксарият ҳолларда ақча қумушдан зарб қилинган. Қумушнинг ранги оқ бўлганлиги учун ҳам мазкур пул бирлиги номи “оқ” сўзига “-ча” қўшимчасининг қўшилишидан ҳосил бўлган.

Хазинамда ҳар қанча зар, ҳар қанча ақча бўлса, юртнинг ободонлиги учун сарф этишга ваъда бераман.

“Алишер Навоий”
драмасидан

ЧЎБИР ВА ЧУБУР — тилимизда оддий ҳашаки от “чўбир” деб аталган. Бу сўзнинг шеваларимизда “чубур” шакли ҳам бор.

Оғажон, менинг ёдимга плугдан чиққан чўбир от тушди.

Шукур Холмирзаев

Бир тулпорни нодон олса,
Туғидан эгар солса,
Чубур қилиб миниб олса,
Бедовнинг қадрин билсин.

“Гўрўглининг туғилиши”
дostonидан

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.



УЛҒАЙИШЛАР ИФОДАСИ

Тарихий манбаларга кўра, қадимда аёллар бош кийимсиз юрмаган ва бу уларнинг ёшига, жамияттаги мавқеига, ижтимоий аҳволига қараб ўзгарган.

Марказий Осиёда бош кийим кийиш ўзига хос маросим саналиб, у бир қанча босқичдан иборат бўлган. Қизлар турмушга чиққанда, кўзи ёриганда, ўғил ёки биринчи невараси суннат қилинганда ва бошқа шу каби улғайишлар туфайли бош кийимлар тури, безаги бир-биридан фарқланган. Бу ўзгаришлар ўзига хос безаклар, қўшимча белгиларда таянган. Худуд иқлим ўзгаришлари — ёзининг иссиқ ва қуруқлиги, қишнинг эса совуқлиги ортдан рўмоллар ҳам иқлимга мослаштирилган.

Аёллар бош кийими уч қисм — ичидан кийиладиган; белга қадар тушадиган қалпоқча; устидан даҳан ости билан ўралувчи ва бўйинни ёпиб турувчи тўғри учбурчакли мато парчасидан иборат.

Бугун ҳам ана шундай бош кийимлардан аёлларимиз фойдаланади, шулардан бири рўмолдир. "Рўмол" атамаси рўй-юз, мол-артгич, яъни юзни артувчи деб таърифланади. Рўмол ўзининг кўриниши ва шаклига кўра, худудига қараб турланади. Баъзи жойларда рўмол катта тўртбурчак, бошқа жойларда эса узун кесилган оқ рангли мато парчасидан тайёрла-



нади. Рўмолни узун ўраш Бухоро, Самарқанд ва Тошкентда кенг тарқалган. Квадрат шаклида рўмол ўраш эса, қорақалпоқ ва туркманлар орасида учрайди. Самарқандликлар белгача тушган катта мато бўлагини бошга ташлаб юрганлар. Мато аёл танасини орқа тарафдан белга қадар, баъзи худудларда эса товонга қадар ёпиб турган бўлса ҳам, юз қисми очик бўлган.

...Аёлларнинг яна бир бош кийими дўппидир. Бугун Чуст дўппилари шакли, одми услуби, қалампирнусха орнаменти, мутаносиб ранглари билан машҳурдир. Дўппининг чакматўр тури дарахт кўчати ва барглари эслатадиган, ёрқин рангли нақшлар ҳамда ипакли иллар билан кашталандир. Дўппиларнинг ҳар бир вило-

ятда ўзига хос турлари мавжуд. Масалан, Шахрисабзда тўла ва бой нақшлар билан безатилган очик рангли дўппи, Қарши шаҳри, Бойсун, Челак ва бошқа туманларда каштали ўзига хос нақшли қавиқлар билан тикланган, тўқилган пилтадўзи дўппилар бор. Хоразм вилоятида бу бош кийим таҳия деб аталиб, шакли, нақшлари билан айрича. Миллий дўппиларнинг ироқи, чуст, гилам, чакма, қизил гул, пилтадўзи, зардўппи каби турлари бор. Баъзи дўппиларга орқасида белга қадар тушиб турувчи таги очик қопча уланган. У чочқоп — яъни "соч учун қоп" деб аталган. Бухорода уни "калта пўшак" деб атайдилар. Илгари бу қопчага аёлларнинг турмуш қурганлик белгиси — икки ўрмичи киргизиб қўйилган.

Бугун дўппидўзалар "канал", "самолёт", "парашут", "каптар" каби янги нақшларни яратимокда. Бош кийим кийишда соч турмаклари ҳам алоҳида ўрин тутди. Масалан, ўтмишда аёлларнинг турмуш қурган ёки қурмаганлигини уларнинг соч турмагидан билиш мумкин бўлган. Турмуш қурмаган қизлар сочини майда кокил қилганлар, бунда ўрмиларнинг сони 200 тагача етган. Янги келинчақлар ва ҳали фарзанд кўрма-

ган жувонлар эса сочларини битта қилиб ўриб юрганлар.

Бош кийимни алмаштириш маросимининг кўп учрайдиган вақти бу — қизларнинг турмуш қуриб, никоҳ ўқилган куни ҳисобланади. Бош кийимлар кийиш ҳақида олим Ҳамиджон Исмоил шундай дейди: "Турк аёлларининг бош кийим кийишларидаги мавжуд бўлган урф-одатлар араб ва форс аёллари урф-одатларидан фарқланади. Бундаги асосий фарқ, аёлларнинг юзини очик ёки ёпиқ ҳолда сақлашларида кўринади. Агар биз мамлакат худудидан топилган деворий суратларга ёки ўрта асрлар миниатюра усулида ишланган расмларга эътибор қаратсак, уларда аёлларнинг юзлари очик ҳолда тасвирланганига гувоҳ бўлаемиз. Бош кийимни бундай кийиш усули, худуд аёлларининг эркинлигидан ишора бўлган".

Ҳақиқатан, юзни бекитиш Шарқда, хусусан, Марказий Осиёда XV асрдан бошлангани ҳақида маълумотлар бор. XV асрдан улар чачвон, чашмбанддан фойдаланганлар. У отнинг думидан тайёрланган бўлиб, паранжи тагидан бошга кийилган.

Бош кийимдан аёлларнинг гўзаллигини яна бир қарра ошириш мақсадида ҳам фойдаланилган. Сабаби, терининг соғлиги, моддалар алмашинувнинг меъёрида бўлиши зарур деб қаралган. Хотин-қизлар кийимларидаги фарқ янги ҳунар ва урф-одатларни келтириб чиқарди.

Фахриддин ТҶУРОНОВ
тайёрлади.

ТАРБИЯ ТАРОЗУСИ

Баъзан эшитиб қолам: "Менинг ўғлим безори болаларга кўшилиб ўғирлик қилибди, энди маҳалла-кўйда бош кўтаролмай қолдик. Энди нима қилсак тарбияси ўнланади?" ёки бўлмаса, "Қизим қолжада ўқийди, мактабда ўзлаштириши, хулқи яхшидир. Ҳозир жуда ўзгарган, деярли китоб ўқимайди, ҳаждор, ярим тунгача қўлидан телефон тушмайди, ким биландир соатлаб гаплашади"...

Хуллас, бундай хавотирли гап-сўзларни айтаётган ота-оналар билан бир неча марта юзма-юз дардлашдик. Уларнинг аксарияти фарзандлари тарбиясига деярли вақт тополмаётганлигини, иши кўпчилигини рўқча қилиши. Барибир кўнглимда шубҳа уйғонди ва секин ахлоқ-одоби, билим даражаси сустроқ болаларнинг оиласи билан қизиқиб кўрдим. Тахминин тўғри чиқди, яъни айнан ўғил ёки қизининг тарбиясидан нолиб юрганларнинг ўзалари, кўпол айтганда, тарбияга муҳтож экан.

Бири куну тун бозордаги савдо-сотигидан ортмаса, бошқаси нуқул "кўча хандон — уй зиндон" бўлиб гап-гаштақдан бўшамаса, яна бирови ичкиликка берилиб кетган бўлса, ана шундай носоғлом муҳитда вояга етаётган фарзанддан нимани кутиш мумкин? Оддий ҳақиқат шуки, болаларнинг руҳан, жисмонан соғлом ҳамда маънан комил ва баркамол инсон бўлиб ўсишида биринчи

навбатда оила муҳити муҳим ўрин тутди. Эслайлик, қадим ривоятда алломалардан бири ҳали дунёга келмаган зурёдининг тарбияси хусусида мурожаат этган ота-онага бу борада андак кечикишганлигини бегиз таъкидламаган. Зеро, Мирзо Бедил айтганларидек,

**Биринчи гишти кийиш қўяркан гар мезмор,
Осмонга етса-да кийишқидир девор...**

Кейинги пайтларда ҳозирги ёшлар тарбиясида устоз-мураббийлар ҳам сусткашликка йўл қўйишмоқда, оқибатда улар орасида маънан салбий кўринишга эга қонунбузарликлар содир этилмоқда, деган мазмундаги фикр-мулоҳазалар ҳам билдирилмоқда. Бунга қўшилмасликнинг иложи йўқ. Чунки биз ўз зиммимиздаги масъулиятли вазифани сидқидилдан адо этишимиз шарт. Бу борада оила ҳам, мактаб ва маҳалла ҳам баб-баравар жавобгар эканлигини унутмайлик. Аксинча, гўдаклигида еру кўкка ишонмай суюб-эркалаган ўғил-қизимиз вояга етаётган паллада бир кун эмас, бир лаҳза ҳам ганимат эканлигини, уларни назоратсиз қолдириш ҳар қандай ибратли оиланинг ҳам бошини эгиб қўйиши мумкинлигини эсдан чиқармаслик тирак. Демак, тарбия тарозисининг поангисини тенг тутсакин эртага ҳаммамизнинг юзими эруғ бўлади.

Моҳигул САМАНДАРОВА,
Гиждвон Тиббиёт коллежи ўқитувчиси.
Бухоро вилояти.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой (4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт).
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёт билан).
Тиббий массаж — 3 ой (2 ой ўқиш, 1 ой амалиёт).
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Олий торт безатиш курси — 1 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.
Жаҳон таомлари — 2 ой.
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмаклари ва макياج — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).
Элита парда ва чойшаблар тиқиш — 1 ой.
Элита парда ва чойшаблар тиқиш олий курси — 1 ой.

Бичиш-тиқиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тирноқ, киприк ўстириш ва дипелляция — 1 ой.
Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка).
Тўқувчилик — 3 ой.
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.
Бисер, яъни матога мунчоқли безак тушириш — 2 ой.
Декоратив гул ясаш — 1 ой.
Сарпо кути ва саватлар ясаш — 1 ой.
Бисердан гуллар, дарахтчалар ясаш — 2 ой.
Карвинг (мева ва सबзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой, интернет — 1 ой.
Барчаси амалиёт билан. Ётоқхона бор.

Ўқини тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй, 31-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод деҳқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Яшнобод тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй, 40-хона. МЎЛЖАЛ: Қўйлик кийим бозори рўпарасида.

ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи) Хизматлар лицензияланган

Муштарий илҳом

ҲАЁТ ҲИКМАТИ

*Яхши сўз кўнглининг давоси дерлар,
Яхши сўз умрнинг навоси дерлар.
Инсоннинг қадрини билган инсонни
Бу жўшқин ҳаётнинг дарёси дерлар.*

*Феъли осмон каби кенгдир уларнинг,
Уммонлардек қалби меҳрга тўлиқ
Яхшиликлар қилсам — яратсам боллар,
Ва улғайсам мен ҳам улардек бўлиб.*

*Яшарман барчага яхшилик қилиб,
Одамлар қадрини удуғ тутарман.
Ҳаётнинг турфа хил синоваридан,
Сабр ва қаноат билан ўтарман.*

ОТАЛИК БАҲТИ

*Отанг борки, тоғдайсан,
Беташеви ва соғдайсан.
Отанг кетса бошингдан,
Сен дунёда йўқдайсан.*

*Оталар дуосидан
Эл-юрт тинч, оила тинч.
Отаси бор боллар,
Қалбада гурур, севинч.*

*Оталар меҳри билан
Фаровондир бу дунё,
Ҳар болага оталик
Бахтини берсин, Худо.*

Исломбек ХОЛМУРОДОВ,
Шеробод туманидаги
33-умумтаълим мактаби
8-синф ўқувчиси.


**КАМБАР АКАНИНГ
ҲИКОЯСИ:**

— Бу йигитни ёшлигидан танирдим. Камтар, камсукумгина эди. Камхаржлигидан рўзгор харажатларига ҳам қийналиб юрганини кўп кўрганман. Орада бир муддат кўринмай қолди. Яқинда бир оғайнимизнинг ўғил тўйида уни учратдим. Агар келиб сўрашмас, танимасдим. Чунки бутунлай ўзгариб кетганди. Тўлишибди. Эгнидаги кийимлари ҳам ўзига ярашган. Қадам босишлари виқорли. Меҳмонлару мезбонлар унга алоҳида эҳтиром кўрсатишмоқда. Кўздан панада ўтирадиган, даврага келиб-кетганини биров пайқаб, биров пайқамайдиган бу одамнинг шунчалик ўзгарганидан ҳайратда эдим. Зиёфат тугагач, кетишга таратдулланиб, кўча-

лимизга боришни, келинга малол келмайдиган даражада онамнинг ҳамма хизматларини бажариб, кейин яна шунча йўл босиб, ишга қайтишни одат қилдим. Онам: "Олтин олсанг тўпроқ бўлсин, Эл-юртда азизу мукаррам бўлгин, Мартабаг улуг бўлсин, Сен мени сийласанг, Аллоҳ ёрлақаб, элда азиз бўлганлар сени сийласинлар, Ҳеч қачон камлик кўрма, Тангри ғойибидан давлат берсин", дея тинимсиз алқардилар. Кундан-кунга кўнглим ёришиб борарди. Орадан бир ой ўтгач, онам қазо қилиб қолди.

Маъракаларини ўтказдик. Яна ишга қайтдим. Кўпчилик бошлиқлар шофёрларга унчалик эътибор беришмайди. Мен ҳам ана шундай муомалага кўниккан эдим. Бир куни йўлда раҳбаримиз туйқусдан бир иш юзасидан фикримни

— Бу осон бўлмаган, ака. Илгари астойдил ишлаган одам, албатта бой-бадавлат бўла олади, деб ўйлардим. Аммо ишлаш билан бирга бошқаларга яхшилик қилишда ҳам барака бор экан. Бир куни кечкурун ўртоғимнинг эски "Жигули" машинасида кўчаларни шунчаки айландик. Кейин кафега кирмоқчи бўлиб тўхтаганимизда, олдимиздан отахон чиқиб қолди. "Болаларим, кеч бўлганда кўчада қолиб кетдим. Илтимос, мени уйимга элтиб қўйсанлар, яхшилаб дуо қилардим", — деди у. Ўртоғим кирақаш эди. Шу сабаб отахон билан йўлқирани келишиб олишга уринди. "Ёнимда бир сўм ҳам пулим йўқ. Қаердадир тушириб қўйганманми,

Қадрият**ДУО ОЛТИНДАН АЗИЗ**

га чиқдик.

— Ака, машинада мисиз? — деган овоз эътиборимни тортиб, ўгирилиб қарасам, ҳалиги киши тавозеъ билан кулиб турибди.

— Йўғ-а, кўчада бирорта машина учраб қолар, ука, — дедим.

— Йўл устида машина кутиб ўтирасизми, қани юринг, ўзим сизни элтиб қўяман, — дея мени сал нарида турган "Эпика" томон етаклади.

Йўл-йўлакай сўхбатлашиб кетдик. — Бу йигит нега бунча ўзгарибди, деб ўйлаётгандирсиз, — дея гап бошлади у. — Биласиз, илгари сира ишим юришмасди. Биров фикрим билан ҳам қизиқмасди. Аммо энди қайси ишнинг бошини тутсам, ишимга, рўзгоримга хайр-барака қираяпти. Ҳаммаси онамнинг дуолари ижобати бўлса керак!

— Ота-она фарзандига яхшилиқни тилайди-да, — дедим.

— Ҳа, лекин дуолар қачон, қай тарзда ижобат бўлишини ҳеч ким билмас экан... Мен ҳам ўзимнинг таъшиларимга ўраллашиб, узоқ йиллар ота-онамга эътиборсиз бўлганман. Оилада икки ўғлимиз. Ота ҳовлимиз билан менинг уйим ўртасида юз километр масофа бор. Ҳар куни уларни кўришга бора олмасдим. Устига-устак бир катта хусусий корхона раҳбарига шофёрман. "Иш оёқ-қўлимни занжирсиз боғлаб қўйган", деган баҳонада юрардим. Бир куни онам қаттиқ хасталикка чалинди. Шифокорларга кўрсатдик. Аммо фойдаси бўлмади. Ўрнидан туролмай, бир жойда ётиб қолди. Укам узоқ сафарда эди. Онамни кўргани бордим. Бир кафтгина бўлиб ётибдилар. Қўл-оёқларини силаб, уқаласам, мени узоқ дуо қилдилар. Эртасига тонгда: "Онамга ўзим қарамасам бўлмайди, тагин келинга малол келмасин", деган ўй билан уйғондим. Йўлга отландим. Бориб, онамни ювинтириб, нонуштасини ўз қўлим билан едириб, келинимнинг хайр-хўлашига қарамай, кийим-кечақларига чачиб, чайдим. Онам кўзлари ёшланиб, узоқ дуо қилдилар.

Шу кундан бошлаб ҳар куни тонгда туриб, юз километр йўл босиб, ота хов-

сўраб қолди. Орадан бир ҳафтача ўтгач, "Сен бола ишнинг кўзини биларкансан, ўша куни адашмабсан, маслаҳатинг билан корхонамиз яхшигина фойда кўрди", деб елкамга қоқиб қўйди. Шундан кейин: "Сен билан кенгашиб қилаётган ишларимизда барака бўляпти", деб тез-тез маслаҳатлашадиган бўлди. Муомаласи, муносабати ўзгарди. Шофёрлик касбини тутганимдан бери биринчи марта ҳурмат, эътибор қандай бўлишини ҳис эта бошладим. Орадан бир мунча вақт ўтгач, ўзаро кенгашиб қилинган ишларимиздан тушган фойдадан бошлагимиз менга ҳам фойза ажратиб бера бошлади. Топган пулимизни тежаб-тергаб, ўзимиз ҳам оилавий тadbиркорликни йўлга қўйдик. Қўлим пул кўрди. Оиламга барака кирди.

Бир ойлик беиминат хизматимнинг бугунги мевасини кўриб, юрагимни бир армон кемиради, агар она дуоси одамни шу қадар юксак мартабага кўтаришини олдинроқ билганимда эди, волидамни бир умр эъзозу эҳтиромда асраган бўлардим...

ИККИНЧИ ҲИКОЯ

— Бир куни ёш бўлса-да, ишига пишиқина йигит билан танишиб қолдим. Унинг ҳаммага бирдек ҳурмат билан муомала қилиши эътиборимни тортиди. "Ҳозирги ёшларга унчалик ҳам ўхшамасиз. Хафа бўлманг, кўпчилик тенгдошларингиз катталарни эъзозлаш туғул, ҳатто андиша билан салом-алиқ қилишни ҳам билишмайди", дедим унга. Шунда йигитнинг: "Ака, мен одамларни ҳурмат қилганим туфайли шундай обрў топдим", деган жавоби мени янада хайрон қолдирди. Унинг айтишича, ота-онаси камбағалгина бўлиб, ночоргина кун кечиришган экан. "Уйдагиларга рўзгор учун ёрдам бераман, деб ишлаб, институтда ҳам ўқий олмагандим. Талаба ўртоқларимга, машинаси бор оғайниларимга жуда ҳавасим келарди", дейди у.

— Яхшигина ишнинг бошини тутиб-сиз, мана, фаровон ҳаётга ҳам эришиб-сиз, — дея туриш-турмушига ишора қилдим.

бор пулимни ҳам тополмаяпман. Уйим-гача элтиб қўйсангиз, олиб бераман", деди отахон жавдираб. "Насияга шунча йўлга боролмаймиз, кечиринг отахон", деб ўртоғим машинасини ўчириб, кафега қараб юрди. Пулсиз қолган отахоннинг мунгайиб туришидан юрагим алланечук ачишди. "Ўртоқ, машинангни бир соатга менга бериб тур, тезда қайтаман", деб калитини олдим-да, отахонни олиб, йўлга тушдим. Уйига етиб борганимиздан сўнг чол қўярда-қўймай ичкаридан пул олиб чиқиб қўлимга тутқазиб: "Буни ўртоғингга олиб бериб бер, ҳар ҳолда улловини қизганмади. Сенинг ҳақингга эса дуо қиламан, шунга розимисан?", деб сўради. Ўша пайтда тайинли ишим йўқ, вақтни бекорга ўтказиб юборишим ҳам мумкин эди. Шунинг учун "майли", деб қўя қолдим. Отахон қўлини фотиҳага очиб: "Мендай бир кекса оқсоқолни кўчада қолдирмай манзилимга етказдинг, юрагингга нимаики яхши орзу ҳавасинг бўлса, сен ҳам барига эришин. Ишингга ривож, топган-тутганингга Худойи барока берсин. Йигитларнинг олди бўлиб, эл-юрт қорига яраб, ночор, бева-бечоралар савобини олмақ саодати насиб этсин", деб узоқ дуо қилди.

Ҳалиги пулни ўртоғимга бердим, бу воқеа бутунлай эсимдан чиқиб кетди. Паррандачилик соҳасида ишлардим. Товук, жўжаларга қандай парвариш керак, уларни касалликдан асраш, агар бирор хасталикка чалинса, қандай кутқариш мумкинлигини пухта ўрганиб олгандим. Бир куни товукларнинг баъзилари касалликка чалинаётганини сезиб қолдим. Уларни дарҳол дорилашга киришиб кетдик. Касаллик тарқалишининг олдини олганимиз учун фермамизни катта зиёндан асраб қолдик. Шундан сўнг бошлиғимиз мени ёнига чақириб, "Сен жуда зийрак, синчков йигит экансан. Албатта, институтда ўқишинг керак. Тайёрланиш ва ўқиш харажатларини ўзимиз кўтарамиз", деб қолди. Бу мен учун қутилмаган хушхабар эди. Ўқиш билан бирга ишлашимга ҳам шароит яратиб беришди. Ўзим ҳам кичикроқ паррандачилик фермаси ташкил қилдим. Товукни етти хазинанинг бирига қиёслашлари бежиз эмас экан. Мана бугун қўриб турганингиздек, ҳамма орзу-истакларимга эришдим. Оилавий паррандачилик фермамизда ака-укаларим, сингилларим меҳнат қилишяпти. Кучим етганча маҳалла-қўйга ёрдам бераман. Мени дуо қилган ўша отахонни ҳозир ҳам йўқлаб, дуоларини олиб келаман. Чунки у билан танишганимиз — ўша оқшомгача ҳатто эски "Жигули"ни сотиб олишга етгулик пулим ҳам йўқ эди. Мана, энди энг сўнгги русумдаги машинани ҳайдаб юрибман...

Ҳамроҳон МУСУРМОҶОВА
ёзиб олди.

Тарбия**ҚИРҚ ХУНАР
ҲАМ ОЗ**

Дўстим иккимиз меҳмонга бордик. Мезбон билан сўхбатлашиб ўтирсак, унинг ўн икки яшар ўғилчаси: "Дада, Шерзод ўртоғим новвойликка шогирд турибди, мен ҳам энди ҳар куни ўша ерга борсам, нима дейсиз?", деди. Мезбон ўглининг ушбу фикрини қўллаб-қувватлашини кутгандим. Аммо...

— Ўғлим, сен ҳозир фақат ўқишинг керак, кейин корхонамни бошқаришни сенга ишониб юрибман ахир, бундай майда-чуйда ишлар билан вақтинги ўтказма, — деди ота.

Болакай меҳмонлар олдида мулзам бўлганини сездирмади-ю, лекин шу аснода унинг новвойликка меҳри тушганини англаш қийин эмасди.

Тўғри, биз кўпинча деҳқоннинг боласи деҳқон, косибники косиб, ўқитувчиники ўқитувчи бўлишига қўники қолганмиз. Бироқ бугуннинг талаби бошқача. Улар ота-онасидан-да юқорироқ чўққиларни забт этишни орзу қилишади. Бундан қувониш керак.

Юқоридаги воқеа тахлилга қайтсак, балки, ўша бола катта корхонага отаси истаганидек раҳбар ҳам бўлар. Аммо бир йигитга қирқ хунар ҳам оз, деган гап бежиз айтилмаган, ахир. Зотан, Шарқ мамлакатларида шахзодаларга ҳам салтанат иши қаторида бир хунар ўргатиш урф бўлган. Кайковус ўзининг "Қобуснома" асарига: "...Хос кишиларнинг фарзандларига адаб ва хунардин яхшироқ мерос йўқтур ва омиё халойиқнинг фарзандларига ҳирфа (савдо, хунар), пеша (касб)дин яхшироқ мерос йўқтур. Пеша қилмоқ (ўрганмоқ) мухташамларнинг фарзандларига номуносиб кўринур. Аммо пеша ҳақиқатда барча хунарларнинг улуғидур. Агар хос одамларнинг фарзанди юз хунар билса ва лекин ҳеч касбни қилмасайб эмасдур. Хунар эса бир кун ишга ярағусидур", дея ёзиб қолдирган.

Хулоса шуки, болаларнинг бир эмас, бир неча хунарни ўрганиши — замон талаби. Хунарли кишининг келажакдан кўнгли тўқ. Ҳеч қачон муҳтожлик кўрмайди. Ҳалоллик ва барака фақат хунарли кишиларга ёр!

Фахриддин АБДУЛБОҚИЕВ,
Наманган давлат университети талабаси.

Зиракни одатда қизлар тақшади. Бу урф азал-азалдан ўтиб келаётган, момолардан мерос анъана! Исирга — безак, зеб, назокат белгиси. Аммо уни ҳар доим қизлар тақшмайди... Бунинг ибтидои кўча-кўйда, ўқув даргоҳларида кўриш, кузатиш мумкин.

...Даланинг қоқ ўртасида пастқам, йиллар тўзони аёвсиз янчган бешетти ўрам девор. Унинг қафтида эски иморат қолдиғи: тош пойдевор, гувалағишт, синиқ устун, катта ҳандак, сандал ўрни... Бир қарашдаёқ девор ниманидир аширмоқчидек таассурот уйғотади, кишида.

Айтишларича, қадим-қадимда бу ерда ёлғиз ўғил билан бир кампир яшаган экан. Кайвони ўғлини еру кўкка ишонмас, кўчага қўймас; у аҳён-аҳён бозорга чиқар, кўпинча уйда ўз иши билан машғул ўтираркан. Шундай кунларнинг бирида ўғил аттор дўстига қўшилиб савдони ўрганиш учун кўшни давлатга отланибди. Кампир ўйлай-ўйлай унинг қарорига кўнибди.

Орадан йиллар ўтиб, кўп сувлар оқиб ўғил анча улғайиб, юртига қайтибди. Кайвони ўғлини йўлда кутиб олибди, бағрига босиб дийдорлашибди. Сўнг улар ҳовли томон юрибди. Ҳали чўқурроқ ўғлига разм солмаган она уйга киргач, унга тикилибди-ю, ҳайкалдек қотибди. Не кўз билан кўрсинки, ўғли бўйнига мунчоқ таққан экан. Ҳангу манг кампир унга юзланибди.

— Нима бало, масхарабоз бўлдингми? Бўйнингдаги нима тагин?

Ўғил бепарво кўл силкибди.

— Бу ажнабий дўстимнинг ҳадяси! Нима оғирлиги бор?

— Оғирлиги йўқ, аммо фалати... Кўрган киши нима деб ўйлайди?

— Мен ҳам бировнинг изидан юришим шартми? Ғийбатнинг нима аҳамияти бор? Ит хурар қарвон ўтар.

Кампир ўғлига гап уқтириш бефойда эканини фаҳмлаб, бунга чора излаб ўйланибди.

Бир-икки кундан сўнг ўғил бозорга чиқибди-да, кечга яқин юз-кўзи шишиб кириб келибди. Кампир бунинг боисини сўраса, йигит индамабди. Воқеа такрорлангач, кампир бунинг сабабини пайқади... Энди, нима қилиш керак? У ҳовлини баланд девор билан ўрашга қарор қилибди ва шошиб ишга ҳозирланибди.

Тупроқ уюб, лой қорибди, ундан гувалағишт тайёрлабди. Уч-тўрт кун шу тариха ғишт куйгач, дастлаб пойдеворга тош терибди-да, кейин ишни бошлабди. У ҳар кун шомдан хуфтонгача ишлар ва бунинг тизимига қўшишга тиришаркан. Охир, ишнинг поёни кўрина бошлабди... Шунда тўсатдан кампир ётиб қолибди ва чорасиз ўғил девор қурилишини давом эттирибди. У ишга шундай берилибдики, тақинчоғи узилиб лойга қоришиб кетганини ҳам сезмабди. Мунчоқ йўқолибди ва баҳонада овул болалари уни урмай қўйибди...

Шу девор ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган.

Ҳозир маҳаллий аҳоли бунинг "кампир девор" деб атайдиган. Албатта, афсона қанчаллик ҳақиқатга яқин ёхуд тўқима буниси менга қоронғи. Фақат мен ёритмоқчи бўлган мавзуга бир учи бориб тақалиши сабаб, бирдан миямга урилгандир. Мабодо кимдир бунга қизикса ва шу каби кампир деворларга кўзи тушса, кексалардан сўраб кўрар. Мен ҳам афсонани бобойлардан эшитгандим. Афсона ҳам ҳаётдан олинади. Демак, тунов кунги воқеадан қаттиқ таъсирланишим ортиқчандир.

ФАЛАТИ ТАШБИХ

...Автобус тирбанд эди. Йўловчи-

лар қоққан қозикдек қимирламас, бировнинг оёғини босиб олишдан чўчибми, шу ҳолича кетаверишар, миқ этган товуш чиқмас, биргина орқа ўриндикдаги кампир куйниб гапирарди.

— "Соҳларингга ос мени", эмиш, кошки, осадиган соч топилса! Бундан сичқоннинг думи узун-ей! Тагин, шопалоқдек исирга тақиб олганини қаранг!

Момо имлаган тарафга қарадим-у, азбаройи, хайратдан бақириб юборай дедим. Бу хайратланиш кампирнинг талқинини хазм этолмасликдан эдики, эшик олдида қулоғига исирга таққан йигит турарди. Тобора одатга ай-

сурат тушириш "санъати")нинг бир тури ҳисобланади. Пирсингда баданнинг бирон жойи тешилиб, унга зирак ёки шунга ўхшаш тақинчоқ ўрнатилади. Илгари сиргалар фақатгина бир аъзо — қулоққа тақилган, "оммавий маданият" қаромати билан эса сирга илинадиган аъзоларнинг саногига етиб бўлмай қолди: қош, қабоқ, лаб, бурун, тил, киндик ва ҳоказо. Ҳатто ўткир тирноқларгача. Хўш, бундан мақсад нима? Тезда эътиборга тушишми, тақлимми? Кимга, нега? Аксар кишилар машхур инсонларга тақиб қилишади.

Кино қахрамонлари, спорт юлдуз-

ОРИЯТ ИНҚИРОЗИ

ёхуд замонавийлик ниқобга айланмасин



ланаётган мазкур манзарага кўниккан бўлсам-да, кайвонининг гапи қизиқ эди. Бир муддат ўйланиб ҳалиги кишининг ўнглашишини кута бошладим. У бироз вақтдан сўнг ўгирилиб, юзи кўринса ҳамки, момонинг фикри чалғимади.

Шундагина кампир билиб-билмасликка олаётгандир, дея ўйладим. Негаки, у овозини янада баландлатди ва йигитга гапи таъсир қилиши учун киноя билан текизиб-текизиб сўзларди. У ниманидир англагандай момога ўқраяр, ҳамма бир машама содир бўлишини сезгандай тил тишларди. Автобус бекатга етгач, у тушиб қолди-ю, кайвонининг жағи ёпилди. Кейин унинг ёнидаги шериғи секингина шивирлади.

— Бечора йигитни роса мулзам қилдингиз-да!

— Йигитмиш, сирғаси бор-ку?!

Шунча гапга юзи қилт этмади-я! Орадан бир ҳафта ўтиб тўсатдан ўша йигитни учратиб қолдим. Хотирам яқши эмас-у, аммо танидим. Кампирнинг гапидан мутаассир бўлганни қулоғидаги зирак йўқ, фақат тешиги билинарди. Ҳар қандай дарднинг асорати қоларкан. Эътиборлиси шундаки, бу сингари ташқи таъсирлар жуда тез кириб келмоқда. Номланиши ҳам фалати, ажабтовур.

ПИРСИНГ

Замонавий тилда биз "пирсинг" деб атаётган нарса, бодиарт (танага

Мулоҳаза

фильмда икки хил гоё. Лекин кимга қайси маъқул, бу вақт ўтиши билан юзага чиқади.

АХЛОҚСИЗЛИККА ТАКЛИФ

"Россияда шу хилдаги буюмлар сотиладиган дўконлар бор! — дейди яқин ўртоғим. — Узук, трос, зирак ва... Кўча-кўйда бепарво тақиб юришади. Биров танбех бермайди. Бу ҳолат айниқса мактаб ёшидаги болаларда кўп учрайди".

Бизда эса сал бошқачароқ — атрофдагилар яқинининг юриш-туриши билан қизиқади ва кунда-кунора тергайди. Шунинг учун "оммавий маданият" ниқобига ўранган кишилар отнинг қашқасидек ажралиб туришади. Уларга эътибор берувчилар дўсти ва улфатлари бўлиб, бундай вазиятда кимдир дўстидан воз кечади, кимдир "оммавий маданият"ни танлайди ва ихтиёрий манқуртга айланади. Кўришидан ялтироқ бу нарса аслида ахлоқсизлик оҳанрабоси. Оҳанрабо энгил-елпи ҳаётга ўч, дунё ташвишларига кўл силтовчи, шахсий манфатларини барча эзгу гоёлардан устун қўювчи материалист одамни тезроқ ўзига тортади. Табиийки, материалист бировларнинг дарди билан яшамайдиган, ўзидан бошқани ўйламайдиган шахс. Ниқобланган маданият замирида инсон қалбига эмас, онгостига таъсир асосий мақсад қилиб қўйилганки, бир қарашда на унинг яхшилигини биласиз ва на ёмонлигини... Бу "қуролланиш пойгаси" даврида ўйлаб топилган маънавиятга қарши қаратилган мафкуравий қуролдир. Бу қурол инсонни эмас, унинг хушёрлигини ўлдиради. Фидокорлик ва жамият учун қайғуриш туйғуларини сўлдириб, лоқайдлик ўсишига имкон яратади. Натижада неча асрлар давомида авлодан-авлодга ўтиб келаётган анъанавий маданият ўрнини қисқа муддатда инсониятни забт этишга уринаётган "оммавий маданият" эгаллайди. Пирсинг ҳам инсон қалбига юққан чангдирки, бунинг кетказишнинг иложи топилмаяпти.


...Психологлар фикрича, "оммавий маданият" тузоғига тушганлар одамови, жиъзаки, писмиқ кишилардир. Уларини сирли ва бепарво тутушади, шу орқали одам рўҳиятини зимдан ўрганишади. Бировларнинг эътиборни тортади, қизиқши уйғотади ва қандай қилиб тўрға илтиради, фалати! Асирларнинг аста-секин дунёқараш тораёйиб бораверади ва ўзининг хаёллари билан банд қилишга айланади. Бу — ақлий таназзул. Жисмоний таъсирлар ҳам талайгина. Игна орқали бадан тешилётганда қонга микроб тушиш хавфи юқори. Бу ҳолатда дарров микроб бутун танага ёйилади. Оқибатда, кўпгина касалликлар — ОИТС, жигар касалликлари илдиэ отади.

Имом Ал Бухорийнинг "Ал-жомеъ ас-сахих"ида Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қилади, Расулulloҳ соллаллоху алайҳи вассаллам: "Игна билан баданига сурат чизувчи аёл ва чиздирувчини, соч улайдигани ва улатадигани, ҳусн учун тишларининг орасини очувчини ва Аллоҳ халқ қилган нарсани ўзгартирувчини лаънатлаган", деб айтилган. Бу диний жиҳатдан ҳам маън этилгандир.

Орият барқарор, "оммавий маданият" эса оғма, беқарор. Фурур маълум вақт давомида шаклланиб боради, бачканалик эса худди касаллик каби тез юқади. Ҳар қандай оқва тушунчалардан номусни асраш, устун билиш лозим. Глобаллашган жамиятда бунинг йўллари излаб топил, ёшлар онги ва тафаккурида "мафкуравий иммунитет"ни ўстириш зарур.

Олимжон ЖУМАОБОВ

КУТУБХОНА КЛИП МАЙДОНИ ЭМАС!




Музыка дилларга хуш ёқувчи, шу билан биргалликда инсон кўнгил қулфи очувчи калитдир. Зеро, музика эзулик, гўзаллик, одамийликка эриштирувчи энг мўъжизакор, энг нозик восита.

...Глобаллашув жараёнлари жамиятнинг барча соҳаларига шиддат билан кириб бораётган бир пайтда, музика санъатига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Замонавий эстрада ахборот асрида жуда тез суръатлар билан ривожланиб бормокда. Бу жараёнларнинг барчаси ёшларнинг онгига катта таъсир кўрсатяпти.

Санъаткор, хонандаларнинг кўпайгани яхши, албатта. Бу яратил-

ган кенг имкониятлар самараси бўлиб, халқимизнинг маънавий-руҳий оламини бойитишда муҳим аҳамиятга эга. Аммо, шу ўринда бир муаммо бор... Нима, дейсизми? Агар эътибор берсак, эндигина шоу-бизнесга қадам қўйганлар қўшиқлари жуда оддий, жўн, содда, баъзиларини хатто кулгили, дейиш мумкин. Бунда санъаткорлар айбдорми ёки шоирлар?! Балки санъаткорлар учун шеър ёзиб бераётган ҳаваскор шоирлар кўр-кўрона, узук-юлук шеърларини тақдим этишмоқдадир?

Эътибор беринг: "Манго" гуруҳи "Писта", Севинч Мўминова "Кўйлагим", Достон Валиев "Шалпанкул", Гуласал Абдуллаева "Тақ-туқ", Бахриддин Зухриддинов "Опанг-



Ойна

кани", "Қассоб", Зафира "Хайдар ака" сингари қўшиқларда бир томондан маъно йўқ, иккинчи томондан эса кулгили. Ёшларимиз савияси шу даражада пастки, янги қўшиқ чиқибди, деб эшитаверишади, қўшиқ сўзларига аҳамият беришмайди, сўзининг маъносига—ку, умуман тушунишмайди. Бу қўшиқларга олинган клиплар-чи, қўшиқ мазмунига умуман мос эмас.

Масалан, "Манго" гуруҳи "Писта" қўшиғи орқали нима демоқчи?

Пистани қандо чақарларо, Мана, бундо чақарларо. Ёрга қандо ёқарларо, Мана, бундо ёқарларо.

Қўшиқ деб тақдим этилаётган бу алмойи-жалмойи сўзлар ҳам тугал эмас. Қўшиқ клиплари ҳам бемаъни. Ёш ижодкорлардан бири Севинч Мўминованинг янги клипи Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида олинган. Уйлаб кўринг, бу мантиққа тўғри келадики? Қўшиқ қўйлак ҳақида. Буни қандай тушуни керак? Менимча, кутубхонага билим олиш учун, изланиш олиб бораман, деган ниятда қадам ранжида қилишади. Қўшиқ айтиш ёки бўлмаса қўшиқ эшитаман, деб эмасдир ҳойнаҳой. Хонанда бу қўшиқ ва клипи билан нима демоқчи экан-а?! Балки кутубхона ҳақида маълумот бермоқчи бўлган десак, мантиққа тўғри келмайди. Қўйлакнинг кутубхонага нима дахли бор?.. Яхши либосини фақат кутубхонага кийиб борадими? Қизиғи, клип олинаётганда талабалар, ўқувчилар жим ўтиришдими? Агар кутубхонада клип олмоқни истаса, шунга мос мавзу топса бўларди.

**Диллола ТЎХТАМУРОВОВА
ЎЗМУ талабаси.**



ЙЎЛСИЗ ҚИШЛОҚ

Гитхорн (Giethoorn) Голландиянинг энг ғалати қишлоғи ҳисобланади. Сабаби, бу қишлоқ 7 километр масофагача бир-бири билан кесишиб оқадиган сув каналлари бўйлаб жойлашган. Гитхорн ҳақида сўз кетганда уни Нидерландия Венецияси деб ҳам номлашади. Бу ерда бирорта автомобиль йўли учрамайди. Фақатгина велосипед йўлаги ёки сув узра қайиқ ва катерда ҳаракатланиш мумкин.



XII асрнинг 70-йилларида кучли тошқин туфайли ҳудудни сув босган ва табиий каналлар ҳосил қилган. Қишлоқ эса XIII асрнинг 30-йилларида мамлакатнинг жанубий қисмидан келган қочоқлар гуруҳи томонидан барпо этилган. Улар бу ерларга келишганда тошқиндан сўнг жуда кўплаб эчки шохларини кўриб ҳайратланишган. Худди шу манзарадан келиб чиқиб, улар бўлажак қишлоқларини Гоат хорнз (Goat horns — "Эчки шохлари") деб аташган. Вақтлар ўтиб, қишлоқ номи одамларнинг тилида бир мунча сайқалланиб, оҳангдор тарзда Гитхорн (Giethoorn) дея айтила бошланган.

Ўз уйларини қуриш чоғида одамлар улкан торф захирасини топиб олишади ва уни қазиб ола бошлайдилар. Шу тариқа жуда кўплаб чуқурликлар пайдо бўлган ва улар тез-тез ёмғир ёғиши натижасида сувга тўлиб, бугунги кунда сайёҳлар эътиборини жалб этувчи турли катталикдаги ажойиб кўллари ҳосил қилган.

Қишлоқдаги кичик-кичик оролчалар узра жойлашган уйларда 2600 аҳоли яшайди. Оролчалар бир-бирлари билан 50 та ёғоч кўприклар орқали боғланган. Маҳаллий аҳолининг айтишича, қишлоқнинг диққатга сазоворлиги унинг қўл ва каналларида эмас, балки бетакрор атмосферасида. Бу ерда одамлар ўзларини эркин ҳис этиб, мириқиб ҳордиқ чиқаришлари мумкин.

Голланд фотографи ва режиссёри Берт Хаанстр ўтган асрнинг 60-йилларида қишлоқни ўз фотосуратларида акс эттириб, оммага намойиш қилгач, Гитхорн жуда кўпчиликда қизиқиш уйғотди, унинг бетакрор гўзаллигидан баҳраманд бўлиш учун дунёнинг барча мамлакатларидан сайёҳлар ташрифи кўпайди.

**Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.**

АДВОКАТ ХИЗМАТИ ПУЛЛИК(МИ)?

**Адвокат хизматларига қанча миқдорда пул тўланади?
М. Йўлдошев.**

— Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунининг 11-моддасига асосан юридик ёрдам учун ҳақ тўлаш адвокат билан ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) ўртасида ихтиёрий равишда тузиладиган битим (шартнома) асосида амалга оширилади.

Шахс тўловга қобилиятсизлиги сабабли кўрсатилган юридик ёрдам ҳақини тўлашдан озод этилганда, жиноий ишни кўриб чиқишда қатнашишга тайинланган адвокатнинг юридик ёрдами учун ҳақ тўлаш давлат ҳисобидан амалга оширилади.

Ойласида ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган яппи ойлик даромади энг кам иш ҳақининг 1,5 бараваридан ортик бўлмаган шахсларга адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг иш жойидан берилган охириги ўн икки ойлик даромади тўғрисидаги маълумотнома мавжуд бўлган тақдирда, уни илова қилган ҳолда яшаш жойидаги маҳалла, овул, қишлоқ фуқаролар йиғини ёки фуқаролар йиғини томонидан ваколатланган комиссия томонидан берилган хулосага асосан ҳақ тўлашдан озод қилинади ва харажатлар давлат ҳисобига ўтказилади.

Саволга Навоий вилоят адлия бошқармаси масъул ходим Камолитдин СУЯРОВ жавоб берди.

БУНДАЙ БИТИМ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС

Қўшимиз 12 ёшли неварамдан уйдаги сигиримизни арзон нарҳда сотиб олибди. Қайтариб беришини сўрасам, бола билан битим тузганман, дейди. Энди қандай қилсам, молимизни қайтариб олишим мумкин?

Ш.Болтаев.

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 117-моддасида ўн тўрт ёшга тўлмаган шахс томонидан тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслиги (ушбу Кодекс 29-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган битимлар бундан мустасно) белгилаб қўйилган.

Бундай битимдаги тарафларнинг ҳар бири битим бўйича олган ҳамма нарсани иккинчи тарафга қайтариб бериши, олинган нарсани асл ҳолида қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса — унинг қийматини пул билан тўлаши шарт.

Саволга Зангиота тумани 7-сон ДНИ нотариуси Дилфуза НОСИРОВА жавоб берди.



Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмунини ўқувчи тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темура кўчаси 1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

**Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ**

Навбатчи муҳаррир — **Олимжон ЖУМАБОВ**

Саҳифаловчи — **Акбар ШОДИЕВ**
Мусахҳилар — **Саидгани САЙДАЛИМОВ,
Камола АДАШБОВА**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169**-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 736. Формати А-3, ҳажми 2 табок. Адади — 4773. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 4 5